



МИНИСТЕРСТВО ЭКОНОМИЧЕСКОГО
РАЗВИТИЯ И СНИЖЕНИЯ БЕДНОСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2021 йил I ярим йиллик учун ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИ ВА
РИВОЖЛАНИШНИНГ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ШАРҲИ

МУНДАРИЖА

I. РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР	3
II. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ВАЗИЯТ, КУТИЛМАЛАР ВА ТАШҚИ БОЗОРЛАРДАГИ КОНЪЮНКТУРА	4
2.1. Халқаро молия институтларининг прогнозлари	4
2.2. Ташқи иқтисодий фаолият ва бозор конъюнктураси	5
III. ИҚТИСОДИЁТДА ЯЛПИ ТАЛАБНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ИЧКИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ	7
3.1. Фискал сиёсат	7
3.2. Пул-кредит сиёсати	8
3.3. Капитал қўйилмалар	8
Марказлашган инвестициялар	10
Марказлашмаган инвестициялар	11
IV. ИҚТИСОДИЁТДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ (ТАКЛИФ) ҲАЖМИНИНГ ЎЗГАРИШИ ДИНАМИКАСИ ВА ОМИЛЛАРИ	12
4.1. Саноат	12
4.2. Электр энергияси	13
4.3. Қурилиш	14
4.4. Қишлоқ хўжалиги	14
Деҳқончилик маҳсулотлари	15
Чорвачилик маҳсулотлари	15
4.5. Хизматлар	16
V. ЖОРИЙ ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА КУТИЛМАЛАР	18

I. РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР


Жорий йилнинг I ярим йиллигида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **6,2 фоизга** ўсди (*ўтган йилнинг I ярим йиллигида ўсиш 1,1 фоизни ташкил этган*).

Хусусан, саноат – **8,5 фоизга**, хизматлар – **8,0 фоизга**, қишлоқ хўжалиги – **1,8 фоизга**, қурилиш эса **0,1 фоизга** ўсган.

2021 йилнинг июнь ойидаги йиллик **инфляция даражаси 10,9 фоизни** (*сўнги 4 йилдаги энг паст кўрсаткич*) ташкил этди. Бунда озиқ-овқат гуруҳи бўйича йиллик инфляция даражаси нисбатан юқори – **14,7 фоиз** даражасида сақланмоқда.

Ҳисобот даврида **нооziқ-овқат маҳсулотлар** нархлари йиллик ҳисобда **8,2 фоизга** ўсган бўлса (*ўтган йилнинг мос даврида 9,4 фоиз*), **аҳолига пуллик хизматлар** тарифлари ўзгариши эса йиллик ҳисобда **8,1 фоизни** ташкил этди (*ўтган йилнинг мос даврида 12,8 фоиз*).

График 1: Июнь ойидаги йиллик инфляция динамикаси, фоизда



Аҳоли реал умумий даромадларининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **10,8 фоизни** ташкил этди.

Республикада иқтисодий фаолликнинг ошиши натижасида **53 мингта** янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди (*ўсиш – 14 фоиз*). Натижада, 2021 йил 1 июль ҳолатига келиб республикада

жами **450,1 мингта** (2020 йилнинг мос даврида **370,4 мингта**) тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда.

Мазкур даврда мамлакатимиз иқтисодиётидаги вазият ва тенденциялар (i) глобал иқтисодий ўсиш суръатларининг тикланиши ҳамда асосий экспорт товарларимиз учун ташқи бозорлардаги конъюнктуранинг яхшиланиши, (ii) ялпи талаб ошишини қўллаб-қувватлашга қаратилган бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатининг давом эттирилиши, (iii) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги пандемиядан кейинги даврда иқтисодий фаолликнинг жонланиши, шунингдек (iv) коронавирус пандемияси билан боғлиқ истиқболдаги хатарлар ҳамда ноаниқликларнинг сақланиб қолиши таъсиридаги **нотекис шароит** билан изоҳланади.

II. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ВАЗИЯТ, КУТИЛМАЛАР ВА ТАШҚИ БОЗОРЛАРДАГИ КОНЪЮНКТУРА

2.1. Халқаро молия институтларининг прогнозлари

Халқаро валюта жамғармасининг июль ойидаги ҳисоботида кўра, вакцинация жараёнларининг жадаллашуви ҳисобига 2021 йилда жаҳон иқтисодиётидаги ўсиш суръатлари йил бошидаги прогнозларга (**5,5 фоиз**) нисбатан тезроқ суръатларда тикланиши ва **6 фоизни** ташкил этиши баҳоланган.

Бунда, ривожланган давлатларда ўсиш суръати **5,6 фоиз** (*январь ойидаги прогноз – 4,3 фоиз*), ривожланаётган давлатларда – **6,3 фоиз** (*6,3 фоиз*) ва кам даромадли мамлакатларда – **3,9 фоизни** (*5,1 фоиз*) ташкил этиши кутилмоқда.

Шунингдек, дунёда вакцина ишлаб чиқариш қувватларининг етарли эмаслиги (i) ривожланаётган ва ривожланиши паст бўлган давлатлар орасида вакцинация жараёнларининг нотекис тақсимланиши ҳамда (ii) улардаги фискал имкониятларининг чекланганлиги глобал иқтисодий ўсиш суръатларига хавф солувчи асосий хатар сифатида қаралмоқда.

Жаҳон банкининг июнь ойидаги ҳисоботида кўра, ривожланган давлатларда вакцинация ва фискал имкониятларнинг кенглиги ҳисобига жаҳон иқтисодиёти **5,6 фоизга** ўсиб, дастлабки прогнозларга

(4 **фоиз**) нисбатан **1,6 фоиз бандга** тезроқ, лекин нотекис тикланиши кутилмоқда.

Келгуси даврда (i) коронавирус пандемияси янги тўлқинларининг юзага келиши, (ii) қатор давлатларда вакцинация жараёнларининг секин кетиши, (iii) ташқи қарз даражасининг ошиши ва (iv) инфляцион босимнинг, шу жумладан озиқ-овқат нархларининг сезиларли кўтарилиши жаҳон иқтисодиётига таъсир этувчи асосий омиллар сифатида келтирилмоқда.

Пост-пандемия даврида асосий эътиборни (i) яшил ва инклюзив ўсиш ҳамда *(мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш орқали иқтисодий ўсиш суръатларини ва иш жойларини ташкил этишга эришиш)* (ii) ташқи савдо тарифларини юмшатиш *(глобал қўшилган қиймат занжири нархлари барқарорлиги ва савдони яхшилаш орқали ишлаб чиқариш ўсишига шароит яратиш)* орқали ресурсларни самарали тақсимлашга қаратиш зарурлиги таъкидланмоқда.

2.2. Ташқи иқтисодий фаолият ва бозор конъюнктураси

Жорий йилнинг I ярмида ташқи савдо айланмаси **13,6 фоизга** ўсиб, **18 млрд долларга** етди.

Маълумот учун: **Жаҳон савдо ташкилоти маълумоти**га кўра, 2021 йилда жаҳон савдо айланмаси **8 фоизга**, 2022 йилда – **4 фоизга** ўсиши кутилмоқда.

Ҳисобот даврида, мамлакатимизнинг асосий экспорт товарлари бўйича ташқи бозорлардаги нархларнинг ошиши ёки ижобий шаклланиши кузатилди. Хусусан, жорий йилнинг январь-июнь ойларида ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда:

- **олтиннинг** ўртача нархи **9,7 фоизга** ошиши ҳисобига давлат бюджетига **2,5 трлн сўм** атрофида қўшимча даромад манбаи шаклланди;

- **кумуш** нархининг **44 фоизга** ва **мис** нархининг **64 фоизга** ошиши ҳисобига ушбу товарлар экспортининг мос равишда **3,3** ва **1,9 баробарга**;

*(мазкур даврда, рангли металллар экспорти ҳажми **85 фоизга** ўсиб, ушбу ўсишнинг **2/3** қисми нарх ҳисобига эришилди)*

- **пахтанинг** ўртача нархи **42 фоизга** ошиши ҳисобига **тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг 63 фоизга**;

(мазкур даврда, тўқимачилик маҳсулотлари экспорти қиймати **45 фоизга**, жумладан ип-калава **48,7 фоизга (289 минг тн)**, трикотаж матолар – **47,4 фоизга (19,5 минг тн)** ошди)

- полимер маҳсулотларининг ўртача нархи **53 фоизга** ўсиши улар экспортининг доллар миқдоридаги ҳажмини **37 фоизга** ўсишига хизмат қилди (мазкур даврда полимер маҳсулотларини ички бозорга йўналтирилиши натижасида экспортнинг физик ҳажми ўтган йилнинг мос давридаги **203 минг тоннадан 183 минг тоннагача** пасайган).

Натижада, жорий йилнинг I ярим йиллигида товарлар ва хизматлар **экспорти** ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **12,3 фоизга** ўсиб, **7,1 млрд долларни** ташкил этди. Бунда олтин экспортини ҳисобга олмаганда ўсиш **36,4 фоизга** етди.

Импорт ҳажмининг ўсиш тенденцияси сақланиб қолди. Мазкур даврда, товарлар импорти **10,3 млрд долларни** ташкил этиб, **15,4 фоизга** ўсди.

Импорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари улуши **2,5 фоиз пунктга** ошиб, **12,1 фоизга** етди. Бунда, аҳоли учун муҳим бўлган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари импортида буғдой **27 фоизга (1,4 млн тонна)**, шакар ва шакар хомашёси – **8,2 фоизга (295 минг тонна)**, картошка – **39,1 фоизга (306 минг тонна)** ошган бўлса, кунгабоқар ёғи – **4 фоизга (117 минг тонна)** қисқарди.

Республикага юборилган **халқаро трнасчегаравий пул ўтказмалари** ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **35 фоизга** ошиб, **3,3 млрд долларни** ташкил этди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ҳисобот давридаги ташқи иқтисодий фаолият динамикаси натижасида **жорий операциялар ҳисоби дефицитининг 2,9 млрд доллар (ЯИМга нисбатан 9,7 фоиз)** даражасида шаклланиши кутилмоқда.

III. ИҚТИСОДИЁТДА ЯЛПИ ТАЛАБНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ИЧКИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

3.1. Фискал сиёсат

Ҳисобот даврида, давлат бюджети **даромадлари – 74,8 трлн** сўмни, **харажатлари – 79,3 трлн** сўмни ташкил этиб, давлат бюджети **тақчиллиги 4,5 трлн** сўм даражасига етди.

2021 йил якуни билан давлат бюджети харажатлари (*ФРПУ ва бошқа мақсадли жамғармаларсиз*) ЯИМга нисбатан **21 фоиз** прогноз қилинган бўлса, жорий йилнинг I ярмида бу кўрсаткич **25 фоизни** ташкил этиб, **ялпи талабни оширувчи омил сифатида хизмат қилди.**

Бюджет харажатлари таркибида **ижтимоий харажатлар 40,4 трлн** сўмни (*ўсиш – 16,6 фоиз*), шундан ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари – 5,2 трлн сўмни (*61,6 фоиз*), Пенсия жамғармасидан тўловлар – 17,1 трлн сўмни (*12 фоиз*) ташкил этиши **ялпи истеъмол ошишига хизмат қилди.**

Давлат бюджетидан **иқтисодиётга харажатлар 7,8 трлн** сўмни ташкил этиб (*ЯИМга нисбатан 2,5 фоиз*), ўтган йилнинг мос даврига (*11,5 трлн* сўм) нисбатан **32,2 фоизга** камайган.

Шу билан бирга, **марказлашган инвестицияларни молиялаштириш** учун **11 трлн** сўм миқдоридаги маблағлар йўналтирилиб, номинал ўсиш суръати **82,6 фоизни** ташкил этди.

2021 йил июнь ҳолатига аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадида **493,2 минг** аҳолига жами **250,2 млрд** сўмлик хизматлар кўрсатилган.

Мазкур маблағларнинг **154,6 млрд** сўми (*61,8 фоиз*) бандликка кўмаклашиш жамғармасидан ҳамда **95,5 млрд** сўми (*38,2 фоиз*) жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган.


Аҳолининг шахсий томорқасини ривожлантириш учун **14,5 минг** жисмоний шахсларга жами **36,4 млрд** сўм миқдорида (*хусусан, тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш учун – 698,6 млн* сўм, *меҳнат қуроллари ва асбоб-ускуналар сотиб олишга – 254 млн* сўм ва *“Хунарманд” уюшмасига аъзолик бадали тўловларга – 53,3 млн* сўм) субсидия маблағлари ажратилган.

Шунингдек, иш берувчиларни рағбарлантириш учун юридик шахслар учун жами **13 млрд** сўм миқдорида субсидия маблағлари ажратилган.

3.2. Пул-кредит сиёсати

Иқтисодиётга ажратилган **кредит қўйилмалари** йил бошига нисбатан **8,7 фоизга**, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **23,4 фоизга** ўсиб, ЯИМ номинал ҳажмининг йиллик ҳисобдаги **19,7 фоизлик** ўсишига нисбатан юқориқ бўлди.

График 2: ЯИМ ва Кредит қўйилмаларининг ўзгариш динамикаси
номинал ўсиш, фоизда



Ипотека бозорида тижорат банклари томонидан аҳолига жами **1,7 трлн** сўмлик ипотека кредитлари ва **87,4 млрд** сўмлик **субсидиялар** ажратилгани талабни рағбатлантиришга ўз ҳиссасини қўшди.

Шу билан бирга, 2021 йил 1 июль ҳолатига:


- жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи **62 трлн сўмни** ташкил этиб, йил бошига **12,6 фоизга**, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **30,4 фоизга** кўп;

- фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга – **8,0 трлн сўм**, йил бошига нисбатан **21 фоизга**, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **4 фоизга** кўп;

- бошқа тадбиркорлик субъектларига ажратилган жами кредитлар қолдиғи **72,5 трлн сўм**, йил бошига нисбатан **3,6 фоизга**, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **16 фоизга** кўп.

Шунингдек, 2021 йил июль ҳолатига пул массаси йил бошига нисбатан **7,9 фоизга** кўпайди, шу жумладан, муомаладаги нақд пул **4,4 фоизга** кўпайди. **Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги жами депозитлари** ҳажми йил бошига нисбатан **13,1 фоизга**, **хорижий валютадаги депозитлар** – **8,4 фоизга** ошган.

График 3: Пул массасининг ўзгариш динамикаси
фоизда



Жорий йилнинг I ярим йиллигида жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича ўртача фоиз ставкалари **17 фоиздан 19,5 фоизга**, юридик шахслар учун **14,4 фоиздан 16 фоизга** ошган. Ўз навбатида, жорий йилнинг I ярим йиллигида миллий валютадаги қисқа муддатли кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари

18,4 фоиздан **21,2** фоизгача ва узоқ муддатли кредитлар учун **19,1** фоиздан **21,4** фоизгача кўтарилди.


3.3. Капитал қўйилмалар

Ҳисобот даврида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **5,9** фоизга ўсиб, **103** трлн сўмни ташкил этди.

Марказлашган инвестициялар

2021 йилнинг дастлабки 6 ойида марказлашган ресурслар ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар **24,8** фоизга қисқариб, **16,6** трлн сўмни (жамига нисбатан улуши – **16** фоиз) ташкил этди.

График 4: 2020-21 йилларда марказлашган инвестициялар ўлчами
млрд сўмда



Бунда, ўсиш суръатининг пасайиши асосан (i) республика бюджети маблағларини ўзлаштиришда янги шаффоф тизимнинг техник сабабларга кўра режалаштирилган муддатларидан кечроқ ишга тушиши ҳисобига унинг **8,5** фоизга ҳамда (ii) ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитларнинг **36,3** фоизга қисқариши билан изоҳланади.


Маълумот учун: Ҳисобот даврида, **6,1** млн кв м турар-жойлар, **220** ўқувчи ўринлик ихтисослаштирилган ва умумтаълим мактаблари, **770** ўринлик мактабгача таълим муассасалари, **23,8** км узунликдаги газ тармоқлари ва **427,6** км узунликдаги сув тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Марказлашмаган инвестициялар

Ҳисобот даврида марказлашмаган манбалар ҳисобига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми **86,5 трлн** сўмни (улуши – **84 фоиз**) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **14,9 фоизга** ўсди.

Бунда, ўсиш суръати асосан (i) тижорат банклари кредитларининг **72,4 фоизга** ҳамда (ii) кафолатланмаган хорижий кредитларнинг **31,5 фоизга** ошиши ҳисобига таъминланган.

График 5: 2020-21 йилларда марказлашмаган инвестициялар ўлчами
млрд сўмда



Кафолатланмаган хорижий кредитлар асосан Навоий КМК (**295,6 млн доллар**), “Ўзбекнефтгаз” АЖ (**254,2 млн доллар**), “Ўзтўқимачиликсаноат” АЖ (**52,3 млн доллар**), “Ўзқурилиш-материаллари” АЖ (**45,4 млн доллар**), “Ўзэлтехсаноат” АЖда (**23,4 млн доллар**) инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига шаклланди.

IV. ИҚТИСОДИЁТДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ (ТАКЛИФ) ҲАЖМИНИНГ ЎЗГАРИШИ ДИНАМИКАСИ ВА ОМИЛЛАРИ

4.1. Саноат

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми **8,5 фоизга**, жумладан тоғ-кон (*қазиб олиш*) саноати – **7,5 фоизга**, қайта ишлаш саноати – **8,6 фоизга** ва электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – **12,1 фоизга** ўсди.

Бунда, кўмир ва лингит қазиб олишда (**33 фоиз**), тўқимачилик (**23 фоиз**) ва кийим-кечак (**17 фоиз**), металлургия (**13 фоиз**) ва тайёр металл буюмлар (**17 фоиз**), компьютер ва электрон маҳсулотлар (**1,8 баробар**), ичимликлар (**18 фоиз**), кимё маҳсулотлари (**7 фоиз**), қурилиш материаллари (**9,5 фоиз**) ишлаб чиқаришда юқори ўсиш кузатилди.

График 6. 2021 йилнинг I ярим йиллигида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръати, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фоизда



Нефт маҳсулотларини ишлаб чиқариш (*жами саноатдаги улуши* – **2,6 фоиз**) – **32,1 фоизга**, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш (*улуши* – **7 фоиз**) – **17,3 фоизга қисқарди** (*I чоракда 38 фоизга қисқарган*).

Маълумот учун: “ЎзАвто Моторс” АЖда 2020 йил 20 декабридан 2021 йил 1 февралига қадар Асака заводи фаолияти **вақтинча тўхтатилганлиги** шунингдек, глобал бозордаги **яримўтказгичли микросхемалар танқислиги** енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайишига олиб келмоқда.

Шу билан бирга, компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар (**81 фоиз**), тўқимачилик (**23,4 фоиз**), кийим-кечак (**17,3 фоиз**), металлургия (**13 фоиз**), қурилиш материаллари (**9,5 фоиз**) ишлаб чиқаришда **юқори ўсиш** кузатилди.


Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш **7,1 фоизга қисқарди**.

4.2. Электр энергияси

Электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **8,8 фоизга** ошган бўлса, унинг истеъмоли **10,2 фоизга** кўпайди. Бунда, аҳолига етказиб берилган электр энергияси ҳажми **7,3 фоизга** ва ҳўжалик юритувчи субъектларга **11,4 фоизга** ошган. Бир ойлик ўртача электр-энергияси истеъмоли 2021 йил январь-июнь давомида ўтган 2020 йилга нисбатан **330 ГВт/соатга (7 фоиз)** ортиши кузатилган.

Электр энергиясининг **импорти 2,6 млрд** кВт/соатни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **10,9 фоизга** ошган.

График 7. Электр-энергияси истеъмоли



Табиий газни қазиб чиқариш ҳажми (**26,2 млрд куб м**) **3,6 фоизга** ошган бўлсада, унинг умумий ички истеъмоли ҳажми (**21,6 млрд куб м**) тезроқ суръатларда – **7,5 фоизга** ўсди. Табиий газга бўлган қўшимча талаб **2,1 млрд куб м** импорт ҳисобига таъминланди.

Хусусан, аҳоли истеъмоли – **9,3 фоизга**, ИЭС – **4,4 фоизга**, “Ўзкимёсаноат” АЖ – **8,6 фоизга**, “Ўзқурилишматериаллари” уюшмаси – **23,8 фоизга**, АГНКС – **29,6 фоизга** ошган.

Шунингдек, аҳолига етказиб берилган суюлтирилган газ миқдори **(283,8 минг тн) 12,5 фоизга** кўпайган.

4.3. Қурилиш

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида йирик корхоналар томонидан цемент ишлаб чиқариш ҳажми **23 фоизга** ўсди. Шунингдек, мазкур даврда цемент импорти ўтган йилнинг мос даври **(813 минг тонна)** билан солиштирилганда деярли **2 баробарга (1,5 млн тонна)** ошган.

Шу билан бирга, товар-хонашёр биржасида сотилган цемент ҳажми **13,6 фоизга**, қора металл прокати — **34,4 фоизга**, мис катоди — **28,6 фоизга**, полиэтилен — **32,1 фоизга** ва дизель ёқилғиси — **46,5 фоизга** ошиши кузатилди.

Шунга қарамай, инвестиция дастурларидаги йирик корхоналар томонидан қурилиш-монтаж ишларининг камроқ бажарилиши ҳисобига **қурилиш ишлари** ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **(7 фоиз)** секинлашиб, **0,1 фоизни** ташкил этди. Бу, асосан йирик **норезидент корхоналар** томонидан қурилиш ишларининг **43 фоизга** камайиши билан изоҳланади. Айтиш керакки, норезидент корхоналарни **ҳисобга олмаган** ҳолда амалга оширилган қурилиш ишларининг ҳажми **8,5 фоизга** ошган.

Ҳисобот даврида қурилиш ишларининг юқори ўсиш суръатлари Тошкент вилоятида **(17,2 фоиз)**, Тошкент шаҳрида **(17,1 фоиз)**, Қорақалпоғистон Республикасида **(16,1 фоиз)**, Сирдарё **(11,7 фоиз)** ва Самарқанд **(10,5 фоиз)** вилоятларида кузатилди.

Шу жумладан, норасмий фаолиятнинг қурилишдаги улуши ўтган йилдаги **16,2 фоиздан** жорий йилда **18,4 фоиз** даражасигача кўтарилди. Мазкур кўрсаткичнинг энг баланд даражалари Хоразм **(33 фоиз)**, Бухоро **(30,8 фоиз)**, Наманган **(28,5 фоиз)**, Жиззах **(26,1 фоиз)** ва Навоий **(25,7 фоиз)** вилоятларида қайд этилди.

4.4. Қишлоқ хўжалиги

Жорий йил I ярим йиллигида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши **101,8 фоизни** ташкил қилди.

Деҳқончилик маҳсулотлари

Жорий йилда ёгингарчиликнинг кўп бўлиши натижасида асосий майдонларга ўтган йилга нисбатан **60,5 минг гектарга** кўп (*ўсиш – 26 фоиз*) сабзавот, картошка ва полиз экинлари экиш белгаланиб жами **165,5 минг гектар** сабзавот, картошка – **48,5 минг гектар**, полиз – **72,4 минг гектар** экилган.

Шу билан бирга, жорий йилнинг биринчи ярмида (i) ғалла ўрими мавсумининг ҳар йилгига нисбатан 10 кун кеч бошланиши натижасида (2020 йилда 2 июндан, бу йил 12 июндан) ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **440 минг тонна** кам ғалла ўрилганлиги ва (ii) баҳор фаслида об-ҳавонинг ноқулай келиши оқибатида меваларнинг совуқдан зарарланиши ҳисобига соҳанинг ўсиш суръати секинлашган.

Маълумот учун: “Ўзгидромет” маълумотида кўра, жорий йилнинг февраль ойи охири ва март ойи бошида ўрик гулларининг 50 фоизи, гилос ва эрта пишар олманинг – 20 фоизи ва шафтолининг – 10 фоизи совуқдан зарарланиши кузатилган.

Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида етиштирилган **дон** миқдори **4,7 млн тоннадан** ошганига қарамай, ўтган йилга нисбатан **8,5 фоиз** қисқаришни намоён қилди.

Айни дамда, **мева ва резаворлар**нинг ўсиш суръатлари ҳам манфий **8 фоизга** тенг бўлиб **938,6 минг тонна** маҳсулот етиштирилди.

Шу билан бирга, етиштирилган **сабзавотлар** хажми **3,2 млн тоннага** етди. Мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **4,4 фоизга** кўпроқ. Бунда, деҳқон хўжаликларининг улуши – **85,3 фоизни**, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлари улуши – **2,5 фоизни**, фермер хўжаликлари – **12,2 фоизни** ташкил этди.

Ҳисобот даврида етиштирилган **полиз экинларининг** хажми **211,9 минг тонна** атрофида бўлиб, **3,3 фоизга** ўсди. Бунда, деҳқон хўжаликларининг улуши – **62,9 фоизни**, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлари улуши – **2,6 фоизни**, фермер хўжаликлари – **34,5 фоизни** ташкил этди.

Чорвачилик маҳсулотлари

Чорва бош сонларининг кўпайиши ва 2020 йилда чорвачилик соҳасини ривожлантириш бўйича умумий қиймати **1,8 трлн сўмлик 932 та** лойиҳаларнинг амалга ошиши, шунингдек, хориждан **60 минг бош** йирик (*шундан, 33,2 минг бош сут йўналишида*) ва **40 минг бош** майда

шоҳли (шундан, **22,5 минг боши насли**) қорамолларнинг олиб келиниши ҳисобига гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш **4,4 фоизга** ва сут – **4,5 фоизга** ошди.

Ҳисобот даврида **1 191,5 минг тонна мол ва паррандалар** гўшти (тирик вазнди) ишлаб чиқарилди. Бунда, гўшт маҳсулотини ишлаб чиқариш асосан деҳқон хўжаликлари (улуши – **92,5 фоиз**) томонидан таъминланди.

Мазкур даврда **5,1 млн.тн** сут маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, деҳқон хўжалиklarининг жами ишлаб чиқарилган ҳажмдаги улуши **94,1 фоизни**, фермер хўжаликлари – **5,1 фоизни** ташкил этди.

Январь-июнь ойларида **3,4 млрд.дона** тухум етказилди. Тухум маҳсулотини етказиш асосан деҳқон хўжаликлари (улуши – **61,7 фоиз**) ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлари (**25,9 фоиз**) томонидан таъминланди.

4.5. Хизматлар

Жами пуллик хизматлар ҳажми ўтган йилга нисбатан **18,3 фоизга**, жумладан таълим хизматлари – **40,8 фоизга**, соғлиқни сақлаш хизматлари – **31,4 фоизга**, молия хизматлари – **27,1 фоиз** ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш – **19,4 фоизга** ўсди.

Ўсиш омиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- **таълим хизматларида** хусусий ва ДХШ асосида **98 та** нодавлат мактабгача таълим муассасалари, **11 та** хусусий мактаблар, **6 та** хусусий олий таълим муассасалари ва **100 дан** ортиқ мактабдан ташқари таълим ҳамда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари ташкил этилди;

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5144-сон қарорига мувофиқ болаларни МТМ билан қамров даражаси паст бўлган **53 та** туман/шаҳарларда қўшимча **100 та** ДХШ асосида, **2 мингта** оилавий ва **50 та** давлат МТМлари ташкил этилиб, ушбу чора-тадбирлар таълим соҳасидаги хизматлар кўламини янада оширишга туртки бўлади.

- **соғлиқни сақлаш хизматларида** жорий йилнинг I ярим йиллигида **312 та** янги хусусий тиббиёт муассасалари ташкил этилди ҳамда **16 та** ДХШ асосида лойиҳалар амалга оширилди;

- **молия хизматларидаги** ўсишни банк тизими фаолиятида жами кредит қўйилмаларининг – **59,8 трлн сўмга** (**25,1 фоизга** кўп), фоизли

даромадларнинг – **4,4 трлн сўмга (31,2 фоиз)**, фоизсиз даромадларнинг – **3,8 трлн сўмга (75 фоиз)** ошиши, шунингдек, муомаладаги банк пластик карталари сонининг **1,4 млн бирликка (6,4 фоиз)** ҳамда ўрнатилган банкомат ва инфокиосklar сони **1,4 мингтага (12,6 фоиз)** ошганлиги билан изоҳланади;

- **алоқа ва ахборотлаштириш хизматларида** Тошкент шаҳрида жойлашган **617 та (78 фоиз)** мактабгача таълим муассасалари, **346 та (100 фоиз)** халқ таълими ҳамда **271 та (100 фоиз)** соғлиқни сақлаш объектларига **363 км** оптик толали алоқа линиялари тортилди;

- **транспорт хизматларининг тикланиши натижасида** ушбу соҳа ҳам ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **12,3 фоизга** ўсди, жумладан:

- **йўловчи ташиш бўйича** 6 ойда жами **2,7 млрд йўловчи (ўтган йилга нисбатан ўсти - 4,9 фоиз)**, жумладан, **автомобиль транспортида – 2,6 млрд йўловчи (3,8 фоиз)**, темир йўл транспортида – **4 млн йўловчи (-4,7 фоиз)**, ҳаво транспортида – **1,1 млн йўловчи (71 фоиз)**, метрополитенда – **47 млн йўловчи (2,4 баробар)** ташиш кузатилди;

- **юк ташиш бўйича** жами **676,2 млн тонна (14,7 фоиз)**, жумладан, автомобиль транспортида – **605,6 млн тонна (15 фоиз)**, темир йўл транспортида – **35,2 млн тонна (3,5 фоиз)**, ҳаво транспортида – **2,8 минг тонна (17,2 фоиз)** юк ташиш кузатилди;

- **савдо хизматларининг 9,3 фоизга** ошиши асосан чакана савдонинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **9 фоизга**, шундан йирик савдо тармоқларида – **15,6 фоизга** ўсиши билан изоҳланади.

Бундан ташқари, уюлмаган савдо улуши ўтган йилга нисбатан **2 фоиз бандга** ошиб, жами савдо айланмасининг **8,6 фоизини (ўтган йилнинг мос даврида 6,6 фоиз)** ташкил этди.

Шунингдек, жорий йилнинг январь-июнь ойларида **савдо ва бошқа пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидан умумий пул тушуми (нақд пул ва терминал орқали) 90 трлн сўмни** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **36 фоизга** ошди.

График 8. 2021 йилнинг I ярмида хизмат турларининг ўсиш суръати, фоизда



Худудлар кесимида **Сирдарё** вилоятида хизматлар ҳажми **25 фоиз** (жумладан, таълим хизматлари **1,5** баробар, молиявий ва соғлиқни сақлаш хизматлари **1,3** баробар), **Андижонда** – **23 фоиз** (молиявий хизматлар **1,6** баробар, ижара – **1,4** баробар), **Тошкент шаҳрида** – **22 фоиз** (таълим ва ижара – **1,4** баробар, молиявий хизматлар **1,3** баробар), **Бухорода** – **21 фоиз** (таълим – **1,5** баробар, соғлиқни сақлаш – **1,4** баробар), **Хоразмда** – **20 фоиз** (таълим **1,5** баробар, кўчмас мулк – **1,3** баробар) даражада юқори ўсиш суръатлари таъминланди.

V. ЖОРИЙ ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА КУТИЛМАЛАР

Жорий йилнинг биринчи ярим йилликда иқтисодиётда фаолликни сезиларли ошириш натижасида йил бошидаги дастлабки **5,1 фоиз** даражадаги прогноз кўрсаткичи қайта кўриб чиқилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, йил якуни бўйича иқтисодий ўсиш **5,5-6,5 фоиз** даражасида бўлиши кутилмоқда. Бунда, коронавирус

пандемияси билан боғлиқ ноаниқликлар иқтисодий ўсишга салбий таъсир қилиш хавфини яратади.

Бунда, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари – **2,8-4,2 фоиз**, саноат – **7,9-8,5 фоиз**, қурилиш – **4-8 фоиз**, хизматлар – **8,5-10,0 фоиз**га ўсиши кутилмоқда.

Хусусан, жорий йилда саноат тармоғидаги ўсиш драйверлари бўлиб, металлургия саноати, тўқимачилик маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, электр энергия, компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар, қурилиш материаллари ҳамда кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Хизматлар соҳасида эса, молиявий, савдо ва транспорт хизматларида юқори ўсиш суръатлари соҳанинг 2021 йил учун асосий ўсиш омили бўлиши кутилмоқда. Бундан ташқари, пандемия даврида пасайиш кузатилган яшаш ва овқатланиш, соғлиқни сақлаш, кўчмас мулк билан боғлиқ, шахсий ва бошқа хизматларда юқори ўсиш суръатлари қайд этилиши кутилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги тармоғида ўсиш асосан гўшт, сабзавот ва сут маҳсулотларини етиштириш орқали таъминланади. Бундан ташқари балиқ хўжалиги, пилла ва полиз экинлари йўналишларида ҳам ўтган йилга нисбатан юқори ўсиш суръатлари кузатилиши кутилмоқда.